**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI**

2020 у. «28» декабря № 52

**Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги статистик маълумотларнинг сифатини янада ошириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади**:

1. Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 30 майдаги 27-сонли “Аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

**Раис** **Б. Бегалов**

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил “28” декабрдаги
52-сон қарорига
**ИЛОВА**

**Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича**

# ТАРТИБ

Мазкур Тартиб хизматлар соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар танланма кузатувини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилайди.

Уни ишлаб чиқишда хизматлар соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсияларда келтирилган таърифлар ва ҳисоблаш усулларидан фойдаланилди.

Мазкур Тартиб жисмоний шахсларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш учун имкон берадиган ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланишга мўлжалланган.

Кузатув Ўзбекистон Республикасида бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотларни шакллантириш учун тадбиқ этилган.

## 1. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қуйидаги асосий таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

**хизматлар соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти (ЯМФ)** юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан бозор хизматлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

**юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан бозор хизматлари ишлаб чиқариш** – мунтазам равишда ялпи статистик кузатувлар билан ҳисобга олинмайдиган ва қонуний амалга ошириладиган, истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) буюртмасига кўра товар ва хизматлар ишлаб чиқаришдаги якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти.

**ЯМФ ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми** (кейинги ўринларда хизматлар ҳажми) турли хилдаги хизматларни истеъмол қилиш ҳажмини акс эттиради ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчилар тўлаган пул миқдори сифатида аниқланади.

**танланма кузатув сўровномаси** – бозор хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувини ўтказиш учун ҳар йили тасдиқланадиган ва фойдаланадиган давлат статистика кузатуви шакли. Бу кузатув предмети ва объектининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган саволлар мажмуасидан иборат.

**статистик-регистратор** – ижтимоий ёки бошқа сўровномада иштирок этувчи шахс.

**ҳудудий супервайзерлар -** сифатни таъминлаш мақсадида кузатув жараёнларини ташкил этиш ва ҳолатини тизимли мониторинг қилиш бўйича масъул мутахассис.

**танланма** – бош тўпламнинг тақдим этувчи қисми.

**бош тўплам** – умумий сифат кўрсаткичларига ёки миқдорий ўзгарувчиларига эга жамиятнинг барча ўрганилган объектлари ва ҳодисалари тўплами.

2. Танланма кузатувнинг мақсади якка тартибдаги тадбиркорларни тасодифий танлов асосида танланма равишда кузатиладиган тўплам бирлиги бўйича туман (шаҳар) ҳудудларида хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бирликларнинг кузатилган кўрсаткичлар бўйича бош тўпламини тавсифлашдан иборатдир.

3. Кузатув ҳар чоракда ўтказилади ва кузатилаётган давр учун статистик маълумотларни ўз ичига олади.

## 2. Статистик кузатув инструментарийси

4. Чораклик танланма кузатувни ўтказиш учун 4-xizmat (jsh) танланма кузатув шакли инструментарийсидан фойдаланилади.

## 3. Кузатув объектлари ва танланган тўпламни шакллантириш

5. Кузатиладиган бирликлар бозор хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

6. Бош тўплам мажмуи бозор хизматларини кўрсатувчи ва давлат солиқ инспекцияларининг (ДСИ) маълумотларига кўра, рухсатнома ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, танланма кузатув жараёнида аниқланган, рухсатнома ҳужжатлари мавжуд бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар сони бўйича туманлар (шаҳарлар) кесимида тўпламларга ажратилади.

Ҳар бир туман (шаҳар) бўйича танланма миқдори рўйхатдан ўтган бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсияларда белгиланган ҳисоблаш услубига кўра мос тўпламнинг 30 % ини ташкил этади.

## 4. Кузатув ўтказишни ташкил этиш ва танлаб олиш

7. Кузатув ўтказилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш Давлат статистика қўмитасининг Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси ҳамда Хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳасида тизимли статистик кузатувлар бўлими томонидан амалга оширилади.

8. Кузатувни Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган махсус жадвал асосида ўтказиш учун тайёргарлик чораларини кўриш ва мониторингини олиб бориш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари томонидан таъминланади.

9. Статистик танланма кузатув Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) ҳудудларида ўтказилади.

Маълумотларни йиғиш барча шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар жойлашган манзилга бевосита ташриф буюриш (тўғридан-тўғри сўров) ёки телефон воситасида сўров ўтказиш орқали амалга оширилади. Маълумотларни тақдим этиш планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) технологияси асосида амалга оширилади.

10. Ҳудудий статистика бошқармалари ҳар бир аҳоли пункти бўйича хизмат турларининг номлари билан кузатув объектларининг, яъни бозор хизматларини кўрсатиш марказлари, маҳалла гузарлари, савдо комплекслари, деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда бошқа доимий равишда хизмат кўрсатиладиган жойлар, кўрсатилган хизмат турлари рўйхатини 1-иловага мувофиқ тузади.

## 5. Респондентларни сўров қилиш тартиби

11. Кузатув ўтказиш жараёнида статистик-регистратор қуйидагиларга риоя этиши лозим:

тадбиркорга ҳурмат билан ёндашган ҳолда мулойим бўлиш ва сўров жараёнининг ихтиёрийлигини таъминлаш;

кузатув ўтказишнинг мақсад ва вазифаларини аниқ тушунтириш;

сўровни қатъий равишда танланма кузатувда белгиланган объектлар бўйича ўтказиш;

тадбиркорлардан олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

## 6. Сўровномани тўлдириш бўйича тушунтириш

12. Агар якка тартибдаги тадбиркор бир нечта фаолият турини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир тур бўйича барча хизмат турларидан тушум миқдори ҳажми алоҳида кўрсатилади.

13. Танланма кузатув сўровномасида бирликда кўрсатилган маълумотлар яхлит сонларда келтирилади, тушум тўғрисидаги маълумотлар битта ўнталик белгиси билан минг сўмда кўрсатилади.

14. Танланма тўплам умумий тўплам бирликларига сезиларли таъсир қилиши сабабли уни шакллантиришда қуйидаги параметрлар ҳисобга олиниши лозим:

ушбу объектда кўрсатилаётган барча хизмат турларини қамраб олиш;

танланма кузатув сўровномасида назарда тутилган хизмат турлари рўйхатидаги хизмат турларини қамраб олиш (1-илова).

Шу билан бирга, қамров таркибига турли нархларда, ҳам паст ва ҳам юқори бўлган нархларда кўрсатилган хизматлар киради.

15. Бир хил турдаги хизмат турлари бўйича нархлар номутаносиблиги вужудга келмаслиги учун ҳудудлар ўртасида туман (шаҳар) лар кесимида ўтказилган кузатув натижаларидан кузатилган даврда маълумотлар ўзгаришини ўзаро таққослаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## 7. Сўровномани йиғиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатмалар

16. Сўров жараёни тугаши билан арифметик ва мантиқий хатоликларни текшириш учун барча кузатув сўровномаларининг маълумотлари дастурий таъминотга киритилади.

17. Кейинчалик электрон маълумотлар базаси шаклидаги йиғма маълумотлар ҳудудий супервайзерларга юборилади. Олинган маълумотлар улар томонидан тегишли услубий тавсияларга мувофиқ кузатилган шахсларнинг бош тўпламини шакллантириш ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини аниқлаш учун фойдаланилади.

18. Кузатув кунлари ҳудудий супервайзерлар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

статистик-регистраторлар ўртасида ишларни тақсимлаб бериш билан бирга уларнинг ишларини умумий мувофиқлаштириш ва назоратга олиш;

кузатув объектларини аниқлаш бўйича назорат қилиш;

бирламчи электрон маълумотларни қабул қилиш;

кузатув жараёнида олинадиган барча маълумотларнинг сифатини текшириш;

танланма кузатув жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш ва зарур ҳолларда кузатув ўтказиш жараёнида бевосита иштирок этиш;

мунтазам равишда жойларга чиққан ҳолда танланма кузатув ўтказиш жараёнида амалий ёрдам кўрсатиш.

## 8. Якуний қоидалар

19. Статистик кузатув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ хизматлар соҳасидаги барча фаолият турларини қамраб олади.

20. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти бўйича кузатув жараёнида олинган маълумотлар, уларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини назорат қилиш мақсадида бошқа статистик маълумотлар, хусусан, уй хўжаликлари, кичик бизнес, шунингдек, солиқ органининг маъмурий маълумот манбалари ва бошқа статистик кузатувлар маълумотлари билан таққосланиши лозим.

21. Кузатув натижалари кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмини ҳисоблаш ва Ўзбекистонда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун фойдаланилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 09.06.2020й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 16.06.2020й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори, 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 1-2-сон (8) 2011 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 112-сон қарори, 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 10-сон (260) 2018 йил.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти O’zDSt 2914:2014// Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ), “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарори билан тасдиқланган. //https://stat.uz/uz/interaktiv-xizmatlar/statistik-klassifikasiyalar.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 30 октябрдаги 35-сон қарори “Рўйхатдан ўтган бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиялар”га 1-илова. //https://lib.stat.uz/uz/.

7. Корхоналарнинг статистик кузатувларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича қўлланма (Евростат, 1999 й.). //https://www.unece.org/.

Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний
шахсларнинг танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича тартибга
1-ИЛОВА

# Хизмат турлари рўйхати

| Хизмат кодлари | Хизмат турлари |
|---|---|
| 01 | Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр хизматлари |
| 02 | Косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар |
| 03 | Кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек дазмоллаш хизматлари, |
| 04 | Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш |
| 05 | Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирлаш, аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереяси буюмларини тикиш |
| 06 | Газламаларга нақшлар солиш (газламалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш) |
| 07 | Якка тартибда дераза ва эшик пардаларини тикиш ва таъмирлаш, каштачилик |
| 08 | Аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш |
| 09 | Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш. |
| 10 | Бижутерия ва жевакларни тайерлаш ва таъмирлаш |
| 11 | Калитлар тайерлаш |
| 12 | Металл ва тунука буюмлар тайерлаш ва таъмирлаш |
| 13 | Тўсиқлар,ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш |
| 14 | Инвентарни (хўжалик, спорт, балиқчилик ва ҳоказо инвентарь) таъмирлаш ва тайёрлаш |
| 15 | Велосипедларни таъмирлаш. |
| 16 | Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш |
| 17 | Тайёр мебелни йиғиш, таъмирлаш ва драпировка қилиш |
| 18 | Уйда жисмоний шахсларнинг мебелларини таъмирлаш ва йиғиш |
| 19 | Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш |
| 20 | Якка буюртма бўйича қимматбаҳо металлардан ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш. |
| 21 | Оптика, соатларни таъмирлаш ва металл, пластмасса, сопол, фаянс, тош, картондан маҳсулотларда ўймакорлик ишлари (қавариқ ёзувлар ва тасвирлар тушириш) |
| 22 | Радиоэлектрон аппаратлар, маиший машиналар, маиший приборлар, офис машиналари ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш |
| 23 | Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш |
| 24 | Буюртмачининг уйида бажариладиган маиший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш |

| Хизмат кодлари | Хизмат турлари |
|---|---|
| 25 | Жисмоний шахсларнинг шахсий автомобилларини майда таъмирлаш, уларга аксессуарлар ва автосигнализация ўрнатиш, ғилофлар ва пол қопламаларини тикиш |
| 26 | Жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювиш, автомобиллар кузовларини силлиқлаш |
| 27 | Жамоат ҳожатхоналари хизматлари |
| 28 | Хаммом ва сауна хизматлари |
| 29 | Турар жойларни йиғиштириш хизматлари |
| 30 | Хоналарни тозалаш, жисмоний шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш |
| 31 | Фуқароларнинг дала-ҳовли ва томорқа участкалари ландшафтини барпо этиш ишлари |
| 32 | Оилавий меҳмон уйларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш |
| 33 | Видеога олиш ва фотосуратга олиш хизматлари |
| 34 | Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини (мебель, идиш-товоқлар, хўжалик, спорт, баликчилик анжомлари, маиший техника, приборлар ва бошқаларни) ижарага бериш |
| 35 | Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш |
| 36 | Уйда репетиторлик қилиш - болалар ва катталар билан таълим фанлари бўйича якка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб машғулотлар ўтказиш |
| 37 | Таҳрир хизматлари |
| 38 | Таржима қилиш хизматлари (бадиий адабиётни таржима қилиш, техник таржима, веб-сайтлар, фильмлар, компьютер ва мобил иловалар, тақдимотлар, видео, аудио ва рекламалар таржимаси) |
| 39 | Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар |
| 40 | Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш |
| 41 | Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари, шунингдек рассомлик санъати |
| 42 | Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек, компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар |
| 43 | Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш |
| 44 | Реклама буклетларини тарқатиш, уйда операторлар томонидан буюртмалар қабул қилиш |
| 45 | Суғурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар |
| 46 | Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш, |
| 47 | Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган кун ва ҳоказолар) |
| 48 | Кўйлак ва костюмларни, шунингдек уларга аксессуарларни прокатга бериш |
| 49 | Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар |
| 50 | Беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар |
| 51 | Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гуруҳлари), тренерлик хизматлари |
| 52 | Тўгараклар ташкил этиш ва юритиш |
| 53 | Уй ҳайвонларига қараш хизматлари |
| 54 | Ветеринария фаолияти |
| 55 | Риэлторлик фаолияти |

| Хизмат кодлари | Хизмат турлари |
|---|---|
| 56 | Жисмоний ва юридик шахсларга махсус ва қишлоқ хўжалиги техникадан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш |
| 57 | Экскурсия хизматлари кўрсатиш бўйича туристик фаолияти |
| 58 | Давлат-хусусий шерикчиликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник ва услувий жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилган оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти |
| 59 | Металлни таъмирлаш ишлари (уй шароитида металлдан тайёрланган маиший буюмларни таъмирлаш, калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший буюмларни оддий таъмирлаш) |
| 60 | Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш |
| 61 | Хусусий шахсларга бош хизматкор ва консьерж хизматларини кўрсатиш |
| 62 | Механизация воситаларини қўлламай, уйда бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари |
| 63 | Шахсий транспортдан фойдаланиб, жисмоний шахсларга товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно) |
| 64 | Бозорлар ва савдо комплексларида майда юкларни араваларда ташиш |
| 65 | Халқ табобати (лицензияси бўлганда) |
| 66 | Рассомлик |
| 67 | Намойишларда кийимлар моделини намойиш қилиш, расмли журналларда, реклама фильмлари ва видео клипларда суратга тушиш |
| 68 | Матнни яратиш ва ишлов бериш (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, мусаҳҳиҳ, контент-менежер, муҳаррир, e-mail орқали хатларни жўнатиш бўйича мутахассис, спичрайтер, транскрибер ва бошқалар) |
| 69 | Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, сухандон, фото муҳаррир ва бошқалар) |
| 70 | Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис) |
| 71 | Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетолог, линк-менежер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси) |
| 72 | Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансерлар гуруҳи раҳбари, HR-менежер, рекрутер, шахсий ассистент) |
| 73 | Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи) |
| 74 | Бошқа хизматлар |

Приложение
к постановлению Государственного комитета
Республики Узбекистан по статистике
от 28 декабря 2020 года № 52

# Порядок
# организации и проведения выборочного обследования физических лиц, оказывающих рыночные услуги

Настоящий Порядок определяет механизм организации и проведения выборочного обследования физических лиц, оказывающих рыночные услуги (далее – обследование), с целью получения репрезентативных сведений, необходимых для обеспечения полноты статистических данных об объеме оказанных рыночных услуг посредством индивидуального трудового предпринимательства по видам экономической деятельности.

При его разработке были использованы нормативно-правовые акты Республики Узбекистан, регламентирующие деятельность в сфере услуг, а также определения и методы расчета методических рекомендаций по организации и проведению выборочного обследования зарегистрированных физических лиц, оказывающих услуги.

Настоящий Порядок предназначен для использования органами государственной статистики в целях формирования достоверных статистических данных, позволяющих сделать научно обоснованные выводы о вкладе физических лиц в объем производства рыночных услуг.

Обследование внедрено для получения наиболее полной информации об объеме оказанных рыночных услуг в Республике Узбекистан.

## 1. Общие положения

1. В настоящем Порядке используются следующие основные понятия и определения:

**индивидуальная трудовая деятельность (ИТД) сферы услуг** включает производство рыночных услуг физическими лицами, занимающимися предпринимательской деятельностью, без образования юридического лица на индивидуальной основе;

**производство рыночных услуг физическими лицами, занимающимися предпринимательской деятельностью, без образования юридического лица** на индивидуальной основе – деятельность индивидуальных предпринимателей

по производству товаров и услуг, осуществляемая по заказу потребителей (юридических и физических лиц), не учитываемая регулярными сплошными статистическими наблюдениями;

**объем произведенных (оказанных) услуг** (далее объем услуг) **индивидуальной трудовой деятельности** отражает объем потребления различных видов услуг и определяется как сумма денежных средств, оплаченных потребителем за оказанную ему услугу индивидуальными предпринимателями;

**анкета выборочного обследования -** бланк государственного статистического наблюдения, ежегодно утверждаемый и используемый при проведении обследования индивидуальных предпринимателей, оказывающих рыночные услуги. Это объединенная система вопросов, направленных на выявление количественно-качественных характеристик объекта и предмета исследования;

**статистик-регистратор** – лицо, принимающее участие в социологическом или другом опросе, анкетировании;

**территориальные супервайзеры -** ответственный специалист по организации и систематическому наблюдению за состоянием процессов обследования с целью обеспечения качества;

**выборка –** представительная часть генеральной совокупност;

**генеральная совокупность –** вся изучаемая совокупность объектов и явлений общества, имеющих общие качественные признаки или количественные переменные.

2. Задача выборочного обследования состоит в том, чтобы по обследуемой совокупности единиц, базирующейся по принципу случайной выборки индивидуальных предпринимателей, охарактеризовать по обследуемым показателям генеральную совокупность единиц, осуществляющих деятельность в районах (городах) регионов по оказанию услуг.

3. Обследование проводится ежеквартально и включает статистические данные за обследуемый период времени.

## 2. Инструментарий статистического обследования

4. Для проведения ежеквартального выборочного обследования используется инструментарий - Анкета выборочного обследования 4-xizmat (jsh).

## 3. Объекты наблюдения и формирование выборочной совокупности

5. Обследуемой единицей являются индивидуальные предприниматели, оказывающие рыночные услуги.

6. Генеральная совокупность стратифицируется по районам (городам), числу индивидуальных предпринимателей, оказывающих рыночные услуги

и имеющих разрешительные документы, согласно данным государственных налоговых инспекций (ГНИ), а также не имеющих разрешительные документы, которые были выявлены в процессе обследования.

Размер выборки по каждому району (городу) составляет 30% от соответствующей совокупности в соответствии с методом расчета, определенным в методических рекомендациях по организации и проведению выборочного обследования зарегистрированных физических лиц, оказывающих рыночные услуги.

## 4. Организация проведения обследования и стадии отбора

7. Координация и мониторинг проведения обследования, а также анализ его результатов осуществляются отделом комплексных статистических наблюдений в сфере услуг, транспортной и информационной инфраструктуры Управления статистики сферы услуг Госкомстата.

8. Проведение подготовительных мероприятий и мониторинга обследования обеспечиваются управлениями статистики Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкент по специальному графику, утвержденному Госкомстатом.

9. Статистическое выборочное обследование проводится на территории районов (городов) Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкент.

Сбор информации осуществляется органами государственной статистики городов и районов на выборочной основе путем непосредственного посещения адреса размещения индивидуального предпринимателя (прямого опроса) или телефонного опроса. Предоставление информации реализуется на основе технологии CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) с использованием планшетных устройств.

10. Территориальные управления статистики составляют перечень объектов обследования с наименованием видов оказываемых услуг по каждому населенному пункту, в частности таких, как центры по оказанию рыночных услуг, махаллинские гузары, торговые комплексы, дехканские и вещевые рынки, другие места оказания услуг на постоянной основе, в соответствии с Перечнем видов услуг согласно Приложению №1.

## 5. Порядок проведения опроса респондентов

11. В ходе обследования статистик-регистратор должен соблюдать следующее:

с уважением относиться к предпринимателю, быть вежливым и обеспечивать добровольность опроса;

четко разъяснять цели и задачи обследования;

проводить опрос строго по объектам, определенным выборкой;

не разглашать информацию, полученную от предпринимателя.

## 6. Пояснения по заполнению анкеты

12. В случае, если индивидуальный предприниматель осуществляет несколько видов деятельности, то указываются все виды услуг с объемами выручки по каждой услуге.

13. Сведения, показанные в единицах, приводятся в целых числах, о выручке – в тыс. сум с одним десятичным знаком.

14. В связи с тем, что выборочная совокупность существенно влияет на оценку общей совокупности единиц, то при ее формировании должны быть учтены следующие параметры:

весь спектр услуг, оказываемых на данном объекте;

охват видов услуг, предусмотренных в перечне видов услуг анкеты обследования (Приложение №1).

При этом в охват включаются услуги, оказанные по различной стоимости, как с низкой, так и с высокой.

15. Во избежание диспропорции в ценах по одинаковым видам услуг, целесообразно использовать результаты обследования между регионами в разрезе районов (городов) для сравнения об изменениях данных, сложившихся в обследуемом периоде.

## 7. Указания по сбору, приему и обработке анкет

16. По завершении опроса, для проверки на предмет арифметических и логических ошибок, данные всех анкет обследования вводятся в программное обеспечение.

17. Впоследствии сводные итоги в виде электронной базы направляются территориальным супервайзерам. Полученные данные используются ими для формирования генеральной совокупности обследуемых лиц и выявления объема услуг, оказанных индивидуальными предпринимателями, согласно соответствующим методическим рекомендациям.

18. Территориальные супервайзеры в дни обследования должны осуществлять:

общую координацию и контроль работы статистиков-регистраторов, включая распределение между ними участков работ;

контроль по выявлению объектов обследования;

прием первичных электронных данных;

проверку качества всех сведений, получаемых в ходе обследования;

оперативные меры по предотвращению проблемных вопросов, возникающих при выборочных обследованиях, и, при необходимости, принять непосредственное участие в проведении обследования;

регулярную проверку с выездом на места для оказания практической помощи в проведении выборочного обследования.

## 8. Заключительные положения

19. Статистическое наблюдение охватывает все виды деятельности в сфере услуг в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 08.06.2020 года №ПП-4742 «О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности и самозанятости» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 07.01.2011г. № 6 «Об утверждении Перечня видов деятельности, которыми могут заниматься индивидуальные предприниматели без образования юридического лица», Приложение № 1.

20. Информация, получаемая в ходе обследования индивидуальной трудовой деятельности, в целях контроля над ее достоверностью и объективностью должна сопоставляться с другими статистическими данными, в частности с такими, как обследования домашних хозяйств, наблюдения статистики малого бизнеса, а также административными источниками данных налоговых органов и др.

21. Результаты обследования будут использованы для расчета объема оказанных рыночных услуг и изучения развития индивидуальной предпринимательской деятельности в Узбекистане.

## Перечень использованной литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 08.06.2020 года №ПП-4742 «О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности и самозанятости». // Национальная база данных законодательства (www.lex.uz), 9 июня 2020 г.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.06.2020 года №ПП-4752 «О мерах по поддержке сферы услуг». // Национальная база данных законодательства (www.lex.uz), 16 июня 2020 г.

3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 07.01.2011г. №6 «Об утверждении Перечня видов деятельности, которыми могут заниматься индивидуальные предприниматели без образования юридического лица», Приложение № 1, // Собрание законодательства Республики Узбекистан, N1-2, ст. 8, 2011.

4. О внесении изменений в Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 07.01.2011г. №6 «Об утверждении Перечня видов деятельности, которыми могут заниматься индивидуальные предприниматели без образования юридического лица», Приложение №1 от 22.10.2018г. // Собрание постановлений Правительства Республики Узбекистан, N 10, ст. 260, 2018.

5. Государственный стандарт Республики Узбекистан O'zDSt 2914:2014// Статистический классификатор продукции (товаров, работ, услуг) по видам экономической деятельности (СКП), утвержденный постановлением Агентства «Узстандарт» от 19.01.2015 года № 05-612. //https://stat.uz/ru/2020-05-11-05-05-43/statisticheskie-klassifikatory.

6. Постановление Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике от 30 октября 2020 года №35 «Методические рекомендации по организации и проведению выборочного обследования, зарегистрированных физических лиц, оказывающих рыночные услуги», Приложение №1. // https://lib.stat.uz/ru/.

7. Руководство по планированию и проведению статистических обследований предприятий. Евростат, 1999. // https://www.unece.org/.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1
к Порядку организации и проведения
выборочного обследования физических лиц,
оказывающих рыночные услуги

## Перечень видов услуг

| Коды услуг | Виды услуг |
|---|---|
| 01 | Парикмахерские услуги, услуги маникюра, педикюра |
| 02 | Услуги косметолога и другие аналогичные услуги |
| 03 | Услуги по стирке, организации сухой и химической чистки, а также по глажке |
| 04 | Ремонт и чистка ковров и ковровых изделий |
| 05 | Ремонт швейных, меховых, кожаных и трикотажных изделий, головных уборов и изделий из текстильной галантереи, пошив по индивидуальному заказу населения швейных и трикотажных изделий, головных уборов и изделий из текстильной галантереи |
| 06 | Роспись по тканям (ручная окраска тканей и предметов одежды, нанесение на ткани рисунков, в том числе способом трафаретной печати и ручного нанесения рисунка) |
| 07 | Индивидуальный пошив и ремонт занавесок и портьер, вышивание |
| 08 | Пошив обуви по индивидуальным заказам населения, ремонт, окраска и чистка обуви |
| 09 | Изготовление и ремонт галантерейных изделий. |
| 10 | Изготовление и ремонт бижутерии и брелоков |
| 11 | Изготовление ключей |
| 12 | Изготовление и ремонт изделий из металла и жести |
| 13 | Изготовление и ремонт оград, памятников, венков из металла |
| 14 | Ремонт и изготовление инвентаря (хозяйственного, спортивного, рыболовного и т.п.) |
| 15 | Ремонт велосипедов |
| 16 | Заточка режущих изделий и инструментов |
| 17 | Сборка готовой мебели, ремонт и драпировка мебели |
| 18 | Ремонт и сборка мебели физических лиц на дому |
| 19 | Ремонт и настройка музыкальных инструментов |
| 20 | Изготовление ювелирных изделий из драгоценных металлов и камней по индивидуальному заказу, а также ремонт ювелирных изделий. |
| 21 | Ремонт оптики, часов и граверные работы (нанесение рельефных надписей и изображений) на изделиях из металла, пластмассы, керамики, фаянса, камня, картона |
| 22 | Ремонт, установка и техническое обслуживание радиоэлектронной аппаратуры, бытовых машин, бытовых приборов, офисных машин и вычислительной техники |
| 23 | Ремонт и наладка компьютеров, установка лицензионного программного обеспечения физическим лицам |
| 24 | Установка и ремонт бытовой техники, выполняемые на дому у заказчика |
| 25 | Мелкий ремонт, установка аксессуаров и автосигнализации, пошив чехлов и напольного покрытия личных автомобилей физических лиц |
| 26 | Мойка автомобилей, полировка кузова автомобилей физических лиц |

| Коды услуг | Виды услуг |
|---|---|
| 27 | Услуги общественных туалетов |
| 28 | Услуги бань и саун |
| 29 | Услуги по уборке жилых помещений |
| 30 | Уборка помещений, благоустройство и озеленение территории физического лица |
| 31 | Работы по устройству ландшафта дачных и приусадебных участков граждан |
| 32 | Организация семейных гостевых домов в порядке, установленном законодательством |
| 33 | Услуги по видео- и фотосъемке |
| 34 | Предоставление хозяйственных товаров и предметов домашнего обихода на прокат (мебели, посуды, хозяйственного, спортивного, рыболовного инвентаря, бытовой техники, приборов и т. д.) |
| 35 | Изготовление и прокат средств измерений |
| 36 | Репетиторство на дому — проведение индивидуальных и групповых занятий по образовательным дисциплинам с детьми и взрослыми |
| 37 | Редакторские услуги |
| 38 | Услуги по переводу (перевод художественной литературы, технический перевод, перевод веб-сайтов, фильмов, компьютерных и мобильных приложений, презентаций, видео, аудио и рекламы) |
| 39 | Услуги, связанные с детскими игровыми автоматами |
| 40 | Проектирование, разработка, производство, реализация, ремонт и использование средств криптографической защиты информации |
| 41 | Услуги по дизайну (графическому, интерьеров, мебели и т.п.), а также чертежно-графическим работам, а также живописи |
| 42 | Услуги по разработке компьютерных программ, организации компьютерных игр, а также услуги по набору и распечатке текстов с помощью компьютера, услуги, связанные с копированием и размножением текста |
| 43 | Производство и размещение рекламы |
| 44 | Распространение рекламных буклетов, прием заказов операторами на дому |
| 45 | Услуги, оказываемые страховыми агентами |
| 46 | Осуществление концертно-зрелищной деятельности, |
| 47 | Услуги по организации торжественных мероприятий (свадьба, юбилей, день рождения и т.п.) |
| 48 | Предоставление платьев и костюмов, а также аксессуаров к ним напрокат |
| 49 | Услуги физическим лицам по присмотру и уходу за детьми |
| 50 | Услуги физическим лицам по присмотру и уходу за больными и престарелыми лицами, нуждающимися в постоянном уходе |
| 51 | Физкультурно-оздоровительная деятельность (шейпинг, аэробика, спортивные секции, группы здоровья), тренерские услуги |
| 52 | Организация и ведение кружков |
| 53 | Услуги по уходу за домашними животными |
| 54 | Ветеринарная деятельность |
| 55 | Риэлторская деятельность |
| 56 | Оказание услуг физическим и юридическим лицам с использованием специальной и сельскохозяйственной техники |
| 57 | Туристская деятельность в части оказания экскурсионных услуг |

| Коды услуг | Виды услуг |
|---|---|
| 58 | Деятельность семейных негосударственных дошкольных образовательных учреждений, созданных на основе государственно-частного партнёрства в форме материально-технического и методического обеспечения семейных негосударственных дошкольных образовательных учреждений |
| 59 | Металлоремонтные работы (ремонт бытовых изделий из металла (изготовление дубликатов ключей, ремонт зонтов, несложный ремонт других бытовых металлоизделий) осуществляемый на дому) |
| 60 | Оказание услуг домохозяйствам по ведению домашнего хозяйства и выполнению домашней работы, включая уборку жилых помещений, приготовление пищи |
| 61 | Оказание услуг дворецкого и консьержа у частных лиц |
| 62 | Погрузочно-разгрузочные работы на дому, выполняемые без применения средств механизации |
| 63 | Доставка товаров физическим лицам с использованием личного транспорта (кроме грузовых перевозок) |
| 64 | Перевозка на рынках и в торговых комплексах мелких грузов в тележках |
| 65 | Народное целительство (при наличии лицензии) |
| 66 | Живопись |
| 67 | Демонстрация моделей одежды на показах, позирование для иллюстрированных журналов, рекламных фильмов и видеоклипов |
| 68 | Создание и обработка текста (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, корректор, контент-менеджер, редактор, специалист по рассылке писем через e-mail, спичрайтер, транскрибер и др.) |
| 69 | Создание и обработка материалов мультимедиа, дизайна и художничества (веб-дизайнер, графический дизайнер, дизайнер компьютерных игр, дизайнер интерьера, ландшафтный дизайнер, дизайнер одежды, ретушер, фотоколлажист, редактор векторной графики, архитектор, дизайнер-визуализатор, дизайнер информации, дизайнер интерфейса, технический дизайнер, моушн-дизайнер, баннермейкер, полиграфический дизайнер, флешер, 3D-дизайнер, видеоредактор, видеооператор, композитор, звуковой режиссер, аранжировщик, диктор, фоторедактор и др.) |
| 70 | Разработка и техническая поддержка программного обеспечения, информационных систем, мобильных приложений и веб-сайтов (программист, специалист по апробации программного обеспечения, верстальщик веб-страниц, веб-аналитик, специалист по оптимизации веб-сайтов) |
| 71 | Деятельность в социальных сетях (PR-менеджер, интернет-маркетолог, продвижение и реклама товаров (работ, услуг) в социальных сетях (SMM), администратор страниц в социальных сетях, аккаунт-менеджер, маркетолог, линк-менеджер, таргетолог, специалист по контекстной рекламе, директолог, медиапланировщик, SMO-специалист) |
| 72 | Деятельность в сфере подбора кадров (менеджер по работе с интернет-проектами, руководитель группы фрилансеров, HR-менеджер, рекрутер, личный ассистент) |
| 73 | Онлайн-консультирование (онлайн-консультант, онлайн-тренер, финансовый консультант, ведущий вебинара) |
| 74 | Прочие услуги |